

## ШАРТНОМА

Наманган шаҳри

№ 1

«24» Январ 2022 йил

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Наманган вилоят ихтисослаштирилган “Бешкапа” болалар ревматология сихатгохи номидан Амалдаги Низом асосида фаолият олиб борувчи Х. Холиков бир томондан ва бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи “SHODIYONA TANTANALARI AUTSORSIN” МЧЖ номидан Амалдаги Низом асосида фаолият олиб борувчи А.Абдураззаков бошқа томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” мазкур шартнома бўйича “БУЮРТМАЧИ”га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги нон ва нон маҳсулотларини қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Етказиб бериладиган маҳсулотларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати қуйидагича белгиланади;

№	Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бирлик нархи	Суммаси	Етказиб бериш муддати
1	Нон 1-нав 0,5 кг транспорт харажати билан	дона	2000	1750	3 500 000,00	
	Жаъми				3 500 000,00	

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 3 500 000,0 (уч миллион беш юз минг) сўмни ташкил қилади.

### II. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани газначилик бўлини масида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдорида (шартнома суммасидан 30 % миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни нон ва нон маҳсулотларини олгандан сўнг 10 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисоб варағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида нон ва нон маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ нон ва нон маҳсулотларини етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” нон ва нон маҳсулотларини қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган нон ва нон маҳсулотларининг тўлиқлигини ва сифатини кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, нон ва нон маҳсулотларини ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра нон ва нон маҳсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган нон ва нон маҳсулотлари бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган нон ва нон маҳсулотларининг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган нон ва нон маҳсулотларини етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- Буюртмачи ҳисобидан нон ва нон маҳсулотлари ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

- Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомасига кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича нон ва нон маҳсулотларини етказиб беришни талаб қилиш;

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган нон ва нон маҳсулотларини қабул қилиш;

- нон ва нон маҳсулотларининг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомасига мувофиқ, етказиб берилган нон ва нон маҳсулотларини асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига нон ва нон маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Нон ва нон маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда “Етказиб берувчи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорда жарима тўлайди, бироқ бунда жариманинг умумий суммаси етказиб берилмаган озик-овқат маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Жарима тўланиши шартнома шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

4.2. Етказиб берилган нон ва нон маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Буюртмачи” “Етказиб берувчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорда жарима тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланилади

#### V. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

#### VI. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қургўқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.

#### VII. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

#### VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил “31” декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

#### IX. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи

Буюртмачи

Ташкилот номи : "SHODIYONA TANTANALARI  
AUTSORSIN" МЧЖ

Ташкилот номи: Вилоят ихтисослаштирилган "Бешкапа"  
болалар ревматология сихатгохи

Манзил: Наманган шаҳри, Амир Темур кўча 5-уй  
Телефон:

Манзил: Наманган туман, Бешкапа МФЙ  
Телефон: (69)472-16-08

ИНН: 308 289 354, ОКОНХ: ОКЭД: 56 290

СТИР коди: 200056201, ОКОНХ: 91517, ОКЭД: 86100

X/P 202 08 000 405 359 309 001

Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи:

1000 218 601 421 270 734 020 54 001

Банк: АТ Капитал банки, Наманган вилоят  
филиали

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон Республикаси

Ғазначилик бошқармаси

Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919

Ягона Ғазначилик ҳисобварақлари (ЯҒХ):

234 02 000 300 100 001 010

Раҳбар \_\_\_\_\_ А.Абдуразақов

Раҳбар в.в.б \_\_\_\_\_ Х.Холиков

М.У. (имзо)

М.У. (имзо)

Юрист;

Юрист;

ИМЗО

ИМЗО